Мамлакатимизда фан-техника тараққиётига кенг йўл очилиб, тиббиёт ҳам узлуксиз такомиллаштирилаётгани, инновацион технологияларни амалиётга жалб этишга қулай имконият яратилгани оториноларингология фани ривожланишини янги босқичига олиб чиқиш имконини бермоқда. ЛОР касалликлари билан оғриган беморларни текшириш, ташхислаш ва даволаш Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, махсус халқаро жамиятлар томонидан тавсия этилган маълумотларга асосланган ҳолда олиб борилмоқда. Сўнги йилларда бутун дунё илмий тадқиқот муассасалари олимлари томонидан яратилган ЛОР касалликларни даволашда қўлланиладиган янги дори-воситаларни асосланган ҳолда амалиётга жорий этиш мамлакатимиз тиббиётининг долзарб муаммоларини ечишда ўз самараларини бермоқда. Амалиётга ЛОР касалликларини инвазив ва ноинвазив ташхислаш ҳамда даволаш усулларини тадқиқ этилиши беморнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва умрини узайтириш имконини бермоқда.

1.6. Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Оториноларингология” магистратура йўналиши талабаси (магистри) мутахассислик фанларини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги инновацион - педагогик технологияларни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, компьютер дастурлари, электрон материалларидан фойдаланилади. Шу билан биргаликда интернет тармоғидан фойдаланиш ҳам кўзда тутилади. Амалий машғулотларга мос равишдаги илғор педагогик технологиялар қўлланилади. Масалан: фаннинг умумий ва хусусий бўлимларига тегишли мавзуларида ўтказиладиган ақлий ҳужум, кластер, блиц-сўров, гуруҳ билан ишлаш, тақдимот, кейс стадии ва бошқа педагогик технологияларни қўллаш назарда тутилади.

1.7. Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

- семинар дарсларга тайёрланиш жараёнида адабиётларни баъзи бир қисмини ксерокопия қилиш
- семинар машғулотлари долзарб мавзулари бўйича конференцияда иштирок этиш учун маърузалар тайёрлаш;
- семинар машғулотларни энг долзарб мавзулари бўйича жадваллар, графиклар ва диаграммалар тузиш;
- семинар машғулотларида муаммоли масалаларни ечиш;
- семинар машғулотларида тестлар ечиш;
- семинар машғулотлари учун презентациялар тайёрлаш ва уни тақдим этиш.

1.8. Илмий тадқиқот ишларига бўлган талаблар

- ЛОР касалликларни консултатив поликлиникада мустақил кўриш;
- Профилли бўлимларда ЛОР касалларни мустақил курация қилиш;
- ЛОРбеморларда даволаш, диагностик ва реабилитацион тадбирларни қўллаш;
- Клиник, патологоанатомик конференцияларда, клиник таҳлилларда иштирок этиш;
- Қўшимча усулларни баҳолаш ва интерпритация қилиш (анализлар, УТТ, ЭКГ, эндоскопия, рентген);
- Тематик касалларни таҳлил қилиш;
- Мутахассис консултантлар кўрувларида ва манипуляцияларида иштирок этиш;
- Амбулатор карталар, касаллик тарихлари, статистик талонлар ва бошқа тиббий ҳужжатларни тўлдириш;
- Ҳар кунлик протоколларни резидентнинг мустақил иштироки қисми билан тўлдириш

1.9. Назорат турлари

1. Жорий назорат – семинар машғулоти мавзуси бўйича суҳбат ва тестларни ечиш шаклида ўтказилади (3 та баҳо – билими, фаоллиги, тест натижаси), ротация бўйича ҳар кунлик амалий кўникмаларни бажаришига қараб.
2. Оралик назорат – фан бўйича ҳар бир бобни тугатгандан кейин суҳбат ва тестларни ечиш шаклида ўтказилади (3 та баҳо – билими, фаоллиги, тест натижаси), ротация тугагандан кейин эгалаган амалий кўникмалар кўникмаларни бажаришига қараб.
3. Якуний назорат – ҳар семестр якунида суҳбат ва тестларни ечиш шаклида ўтказилади.
4. Якуний давлат аттестацияси – магистрлик диссертацияси ҳимояси ва тест синовлари шаклида ўтказилади.

1.10. Касбий фаолият турлари:

даволаш-профилактик:

- беморларда ЛОР касалликларини аниқлаш ва (кам инвазияли усулларни қўшиб) даволаш, жумладан тезкор ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган тўла ҳажмдаги кўникмага эга бўлган юқори малакали мутахассис-оториноларинголог сифатида мустақил амалий фаолият кўрсатиш;
- кўпроқ тарқалган ЛОР касалликларини камайтириш учун профилактик тадбирларни амалга ошириш.

илмий-тадқиқот ва экспериментал:

- ЛОР касалликлар диагностикаси, даволаш ҳамда профилактикасида янги технологияларни ишлаб чиқиш ва изланиш, ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларини таҳлил қилиш, умумлаштириш ва жорий қилиш;
- асосий ЛОР касалликларнинг тарқалишини баҳолаш ва таҳдид омилларини аниқлаш учун эпидемиологик текширувларни амалга ошириш, шунингдек уларнинг салмоғини камайтириш учун профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш;
- ЛОР касалликларда айрим патологик жараёнларни моделлаштириш ва патогенезини ўрганиш.

педагогик:

- тиббиёт ОТМ ларида педагогик фаолиятни амалга ошириш.

тиббий-ижтимоий:

- ЛОР касалликларга чалинган беморларнинг ижтимоий ва касбий реабилитацияси бўйича тадбирларни амалга ошириш, уларнинг ҳаёт тарзини яхшилаш.

ташкилий-услубий:

- шифокор-мутахассислар билан ЛОР касалликлар диагностикаси ва даволашдаги янги технологиялар бўйича тематик цикллар, методик семинарлар ва консультациялар ўтказиш.

маъмурий-бошқарув:

Ўзбекистон Республикаси ССВ тизимидаги умумий ёки ихтисослашган ҳар хил ташкилотларга маъмурий раҳбарлик қилиш, илм ва фан Давлат кўмиталарида ишлаш.

2. Ўқиш жараёнини ташкил қилиш**2.1. Дастур директорининг мажбуриятлари:**

- Дастур аккредитацияси билан боғлиқ булган ташкилий ишларни олиб бориш, шунингдек Соғлиқни Саклаш Вазирлиги ҳайати учун зарур булган барча ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этиш.

- Қабул қилинган стандартларга мавофик ўқув жараени билан боғлиқ булган барча ташкилий ишлар бўйича масаларни ечиш. Ўқув жараенини материал-техник таъминоти ва уқитиш персонали таркибига институтнинг малакали ва тажрибали ходимларини танлаш ва тайинлаш. Бунда шундай шароитларни яратилиши керакки, ходимлар учун педагогик ва тренерлик фаолияти моддий рағбатлантириш ҳамда келгусида юқорилик лавозимларни эгаллаш мумкинлиги каби имкониятларни бериши керак. Бу эса ходимларни танлов асосида қабул қилишга шароит яратади.

- Ўқув жараени билан боғлиқ барча ҳужжат ва ҳисоботларни олиб бориш.

- Магистр талабалар фаолиятини мунтазам назорати (жорий, оралик, якуний ва б.) олиб бориш. Шунингдек резидентларнинг назарий билими, амалий куникмалари, илмий иши, чет тилларини урганиш даражаси ва бошқаларни назорат қилиш.

- Магистр талабаларни индивидуал баҳолаш ва овоза қилиш йули билан резидентлар орасида рақобатни яратилишига етарли аҳамият бериш. Бунда: етакчи ва фаол магистр талабаларни моддий рағбатлантириш, колоқларини эса жарима қилиш, керак булган ҳолларда уқишдан четлатиш чораларини куллаш каби усулларни имкон қадар тадбиқ қилиш.

- Магистр талабаларни нормал ўқиши ва ишлаши учун етарли шароитларни яратиш (шунингдек уларни иш уринлари, форма ва бошқалар билан таъминлаш). Магистр талабаларни ўқиш жараени сифатига таъсир этадиган маиший, шахсий ва бошқа муаммоларни ечишда ердам бериш.

- Аноним анкеталаш йули билан факультет фаолияти ва дастурини баҳолаш ҳамда назорат қилиш

2.2. Модератор ва тренерлар мажбуриятлари:

- Директор раҳбарлиги остида мазкур институт дастурини кундалиқ бажарилишини назорат қилиш. Келгусида ўқув жараенига жалб қилинган барча ходимлар мутахассис сифатида сертификатланган ва лицензияланган булишлари керак.

- Хар бир семинар дарсларни мақсади ва мазмуни аниқланган ва шакллангандан (дастур директори билан биргаликда) сўнг, модераторлар ўқув дарсини режасини тузадилар, зарур булган адабиётлар руйхатини аниқлайдилар, слайдлар ва бошқа керакли демонстратив материаллар тайерлайдилар, семинарлар учун саволларни ва тест назоратини утказиш учун компьютер дастурларини тузадилар. (Бошлангич босқичда езма шаклда тест назоратини ўтказишга руҳсат этилади). Ўқув жараенида керакли материаллар дастур директори билан маслаҳатлашиб, охириги варианты қабул қилинади. Хар бир мавзуга оид тест саволлари халқаро талабларга мос қилиши керак.

- Хар бир конкрет ротация учун мақсад ва вазифалари аниқлангандан ва шаклланган сўнг (дастур директори билан биргаликда) ҳамда амалий куникмалар руйхати тузилгандан сўнг, алоҳида ротация тренерлари амалий машғулотлар режасини шундай тузадиларки, резидентнинг манипуляциялар, муолажалар ва операциялар бажарилишида шахсий катнашиш фоизи аста-секин ортиб бориши керак. Кўрсатилган режалар ҳам дастур директори билан тасдиқлариши керак. Хар ой ва ротация сунгида ротация тренерлари магистр талабалар ишларига баҳо берадилар ҳамда якуний тавсифнома тайерлайдилар.

Умуман олганда ўқув дастурини тадбиқ қилишда педагог-устозларнинг фаолияти, тренер ва директорлар бошчилигида магистр талабаларнинг даволаш ишларида катнашиш даражасига қараб баҳоланади.

2.3. Магистратура талабасининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари:**Мажбуриятлари:**

- Магистратура талабасининг асосий мажбурияти булиб, дастурда курсатилган назарий билимлар ва амалий куникмаларни эгаллаш.

- Магистратура талабаси кундалик бажариладиган ишларни акс эттирадиган езувларни олиб бориш (алохида ротацияларда эгаллаган амалий куникмалар, навбатчилик ва б.). Бунда ротация тренерлари тасдиқланган холда, резидентларнинг катнашиш фоизи %ларда курсатилиши керак.

- Хар ойда ва алохида ротациялар сунгида тренер имзолаган шаклда дастур директорига жорий ва якуний хисоботларни тақдим этиш.

- Барча езувлар, режалар, хисоботлар, рапортлар, тавсифномалар ҳамда баҳо, кайдлар, дастур директорининг резидентга билдирилган норозиликлари акс эттирилган бошка хужжатлар хронологик тартибда алохида файлларда тулланиб, магистратурада укиш муддати тугагунча сақланиши керак. Юкорида турувчи органлар томонидан суралганда, уларни тақдим этиш; магистр сертификатлангандан ва лицензиялангандан сунг эса институт архивига топшириш керак.

- Магистратура талабасининг укув семинарларида фаол катнашиши шарт, чунки уларнинг назарий билимларидан ташкари давоматига ҳам алохида эътибор берилади ва баҳоланади.

- Тасдиқланган режа буйича резидентлар компьютер тести буйича жорий ва якуний назоратдан утдилар.

- Магистратура талабалари клиникада хафтада бир марта навбатчиликда туришади ва навбатчиликда бажарган ишлари тугрисида эрталабки конференцияда ахборот беришади ва язма баённома ёзишади. Ушбу баённомага кура резидент навбатчиликдаги ишларда катнашиши улуши курстилади ва масъул навбатчи томонидан имзоланади

- Магистратура талабаси хар кунги конференциялардан ташкари илмий-амалий конференциялар, апробациялар, семинарлар ва бошка илмий-амалий конференцияларда иштирок этиши шарт.

- Магистратура талабалари узларининг чет тили буйича билимларини ошириб бориши шарт.

Хукуклар:

- Магистратура талабаси хафта мобайнида бир кун дам олиш хукукига эга

- Магистратура талабаси укув йили мобайнида 4 хафталик туланадиган таътилга чиқиш хукукига эга

- Магистратура талабаси 24 соат иш куни давомида ёки навбатчилик давомида дам олиш (уйку) хукукига эга.

-

2.4. Ўқув базасини таъминланиши.

«Оториноларингология» ихтисослиги ЛОР аъзолари касалликлари фани буйича магистратурада ўқитиш ТТА ЛОР касалликлар ва стоматология курси кафедрасида (каф. мудири доц. Хасанов У.С.) амалга оширилади, базалар ТТА 1-3 клиникалари, Республика Онкология Илмий Маркази.

ТТА да куйидаги ташкилий тузилмалар мавжуд: ўқув хоналари, магистрлар учун хоналар, маъруза зали); лабораториялар (клиник, биохимик, иммунологик, микробиологик); тезкор ердан кўрсатишхоналари; оториноларингология бўлими (100 койкали); юз-жағ жаррохлик бўлими (20 койкали); консультатив поликлиникалар.

2.5. Оториноларингология мутахассислигидан ЛОР аъзолари касалликлари фани буйича ўқув юкламасининг ҳажми

Семестр	Дарс турига кўра ўқув юкламасини тақсимлаш (соатда)						
	Хаммаси	Семинар машғулотлар	Илмий-тадқиқот ишлари, (тематик ротациялар)	Илмий-педагогик иш	Магистрлик диссертациясини тайёрлаш	Малака амалиёти	Мустақ ил иш
I	347	125	100	54	15	-	53
II	533	205	150	60	25	-	93
III	675	240	200	120	25	-	90
IV	545	160	200	80	25	-	80
V	505	160	200	40	25	-	80
VI	555	-	200	-	25	288	42
Хаммаси	3162	890	1050*	354	140**	288	438

* Илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик

** битта магистрлик диссертациясига раҳбарлик

3. Тематик блоклар бўйича семинар машғулоти тематикаси

№ пп	Мавзулар	Соатлар ҳажми		
		Мехнат ҳажми	Аудитория иши	Мустақил иш
1. Мутахассислик дисциплинаси				
I Ўқув йили				
I Тематик раздел. Қулоқ касалликлари (йирингли ва йирингсиз) патогенез, ташхислаш ва даволаш				
1.1.	Қулоқни ривожланиш аномалиялари (қулоқ дисплазияси, туғма қулоқ фистуласи, қулоқ супраси деформацияси, ташки эшитув йўли атрезияси, Франческетти синдроми, Нилсон синдроми) болалик патологиясида уларнинг аҳамияти.	15	11	4
1.2.	Ташки қулоқ яллиғланиш касалликлари, (чипқон, сарамас, перихондрит, ташки диффуз отит, қулоқ қулуғи) этиологияси, клиникаси, даволаш ва профилактикаси.	7	5	2
1.3.	Ўрта қулоқ йирингли касалликлари, этиологияси, патогенези, патанатомияси, клиникаси (босқичлари), ташхислаш, тез ёрдам кўрсатиш, даволаш, профилактика, парацентез ва тимпанопункцияга кўрсатма.	9	6	3
1.4.	Ўткир йирингли ўрта отит асоратлари ва шошилиш ёрдам кўрсатиш. Ўткир мастоидитнинг турлари (зигматицит, бўйин чўкки мастоидити, петрозит) дифференциал ташхис.	13	10	3
1.5.	Турли инфекция қасалликларда (кизамикда, скарлатинада, гриппда ва дизентерияда) ўткир ўрта отит	9	6	3
1.6.	Янги туғилган чақалоқларда ва кўкрак ёшидаги болаларда ўткир ўрта отит, отоангритда шошилиш ёрдам. Болаларда қайталанувчи ўткир ўрта отит ва уни даволаш усуллари.	7	5	2
1.7.	Ўрта қулоқнинг сурункали йирингли касалликлари, этиологияси, таснифи, патогенези, патанатомияси, клиникаси, ташхислаш, даволаш усуллари ва профилактикаси.	9	6	3
1.8.	Холестеатома, келиб чиқиш механизми, клиникаси, ташхислаш, даволаш усуллари ва профилактикаси.	7	5	2
1.9.	Ўткир лабиринтит: таснифи, патогенези, клиник хусусиятлари, ташхиси ва ички қулоқнинг турли яллиғланиш касалликларини даволаш	9	6	3
1.10.	Сурункали лабиринтит: таснифи, патогенези, клиник хусусиятлари, ташхиси ва ички қулоқнинг турли яллиғланиш касалликларини даволаш	13	10	3
1.11.	Қулоқнинг йирингсиз касалликлари (экссудатив ўрта отит, аэроотит). Болаликда кечиш хусусиятлари. Этиология, патогенез, клиника, ташхислаш, даволаш, профилактика.	9	6	3
1.12.	Қулоқнинг йирингсиз касалликлари адгезив ўрта отит. Болаликда адгезив ўрта отит, этиология, патогенез, клиника, ташхислаш, даволаш, профилактика.	7	5	2
1.13.	Қулоқнинг йирингсиз касалликлари. Меньер касаллиги. Меньер касаллигини болаликда кечиши. Этиология, патогенез, клиника, ташхислаш, даволаш, профилактика. Хавфсиз пароксизмал позицион бош айланиши. Қон томир патологиясида вестибуляр бузилишлар.	9	6	3
1.14.	Қулоқнинг йирингсиз касалликлари. Отосклероз. Этиология, патогенез, клиника, ташхислаш, даволаш, профилактика.	13	10	3
1.15.	Қулоқнинг йирингсиз касалликлари. Сенсоневрал гаранглик. Болаликдаги сенсоневрал гаранглик. Этиология, патогенез, клиника, ташхислаш, даволаш	9	6	3
1.16.	Сенсоневрал гаранглик. Эшитишни касбга боғлиқ бузилиши. Гаранлик ва карликда беморлар реабилитацияси. Эшитишни протезлаш. Кохлеар имплантация.	7	5	2
1.17.	Сенсоневрал гаранглик. Туғма гаранглик ва карликни эрта аниқлашни ташкиллаштириш. Карлик ва карсоқовлик. Сурдологик хизмат. Аудиологик скрининг.	28	17	9
Жаъми:		178	125	53

II Тематик раздел. Бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари касалликлари патогенез, клиника, ташхислаш, даволаш.				
2.1.	Бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари аномалиялари. Бурун тўсиғи қийшайиши. Хирургик даволаш.	7	5	2
2.2.	Бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари ёт жисми сабаблари, аниқлаш ва олиб ташлаш усуллари. Бурун тўсиғи гематомаси, абсцесси. Этиология, патогенез, клиника, ташхислаш, даволаш.	7	5	2
2.3.	Ташқи бурун касалликлари (чипқон, сикоз, экзема, сарамас, оддий угри, пушти угри ва ринофима). Этиология, патогенез, клиника, дифференциал ташхислаш, даволаш, профилактика.	7	5	2
2.4.	Бурун бўшлиғи касалликлари (ўткир тумов, бурун дифтерияси), этиология, патогенез, клиника, дифференциал ташхислаш, даволаш, профилактика.	7	5	2
2.5.	Бурун бўшлиғи касалликлари (сурункали тумов, озена, вазомотор тумов), этиология, патогенез, клиника, дифференциал ташхислаш, даволаш, профилактика.	7	5	2
2.6.	Бурун ёндош бўшлиқлари ўткир ва сурункали касалликлари. Гайморит - этиология, патогенез, клиника, ташхислаш, даволаш. Одонтотген гайморит.	7	5	2
2.7.	Бурун ёндош бўшлиқлари ўткир ва сурункали касалликлари. Этмоидит - этиология, патогенез, клиника, ташхислаш, даволаш.	7	5	2
2.8.	Бурун ёндош бўшлиқлари ўткир ва сурункали касалликлари. Фронтит - этиология, патогенез, клиника, ташхислаш, даволаш.	7	5	2
2.9.	Бурун ёндош бўшлиқлари ўткир ва сурункали касалликлари. Сфеноидит - этиология, патогенез, клиника, ташхислаш, даволаш.	7	5	2
2.10.	Бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари аллергик касалликлари. Бурун полипи. Этиология, патогенез, клиника, ташхислаш, даволаш.	16	10	6
	Жаъми:	79	55	24
III Тематик раздел Халқум касалликлари даволаш усуллари				
3.1.	Халқум ривожланиш аномалиялари, хирургик даволаш усуллари. Халқум ёт жисми. Ташхислаш, олиб ташлаш.	7	5	2
3.2.	Халқумни ўткир шамоллаш касалликлари, этиология, патогенез, клиникаси, асорати, ташхислаш, даволаш.	7	5	2
3.3.	Ангина, этиология, патогенез, клиникаси, асорати, ташхислаш, даволаш. Қон яратилишидаги бузилишларда халқум касалликлари.	7	5	2
3.4.	Дифтерия, свкарлатина ва қизамиқдаги халқумнинг зарарланиш хусусиятлари. Этиология, патогенез, клиникаси, асорати, ташхислаш, даволаш.	7	5	2
3.5.	Халқумнинг сурункали касалликлари, этиология, патогенез, клиникаси, асорати, дифференциал ташхислаш, даволаш, экология ва пархезнинг аҳамияти.	7	5	2
3.6.	Сурункали тонзиллит этиология, патогенез, клиникаси, асорати, дифференциал ташхислаш, даволаш, операциядан кейинги пархез, профилактика. Тонзилляр патология тиббиётнинг умумий муаммоси сифатида..	7	5	2
3.7.	Халқум ва халқум атрофи соҳаси флегмонаси, абсцесси, этиология, патогенез, клиникаси, асорати, дифференциал ташхислаш, даволаш.	7	5	2
3.8.	Халқум лимфоид халқаси гипертрофияси, ёшга хос хусусиятлари, клиникаси, дифференциал ташхислаш, даволаш.	14	10	4
	Жаъми:	63	45	18
IV Тематик раздел Қизилўнғач касалликлари ва хирургик даволаш усуллари.				
4.1.	Қизилўнғач ёт жисмлари. Қизилўнғач ёт жисми. Кардиоспазм.	8	5	3
4.2.	Эзофаренгиал рефлюкс. Қизилўнғач стенози.	16	10	6
	Жаъми:	24	15	9
V Тематик раздел Хиқилдоқ касалликлари ва хирургик даволаш усуллари. Шошилиш тиббий ёрдам				
5.1.	Хиқилдоқ ривожланиш аномалиялари. Хиқилдоқ ёт жисми. Ёт жисмларнинг нафас йўлларига тушиш сабаблари, клиник кўриниши ва асоратлари, врач тактикаси, олиб ташлаш усуллари.	7	5	2

5.2.	Ўткир ларингит. Патогенез, клиникаси, шошилич ёрдам, даволаш, профилактикаси. Хиқилдоқ аллергик шиши, сабаби. Патогенез, клиника, шошилич ёрдам даволаш, профилактика.	7	5	2
5.3.	Боғлам ости ларингити. Ўткир стенозловчи ларинготрахеобронхит. Болаларда кечиш хусусиятлари. Этиология, патогенез, клиникаси, ташхислаш, даволаш, профилактика.	7	5	2
5.4.	Хиқилдоқ дифтерияси. Юқумли касалликлар (кизамиқ, скарлатина). Этиология, патогенез, клиникаси, ташхислаш, даволаш, профилактика.	7	5	2
5.5.	Хиқилдоқ хондроперихондрити. Этиология, патогенез, таснифи, клиник шакллари, ташхислаш, даволаш, профилактика.	7	5	2
5.6.	Шиллик ости ларингити (хиқилдоқ ангинаси) хиқилдоқ абсцесси, флегмонаси, сарамаси. Этиология, патогенез, клиникаси, ташхислаш, даволаш, профилактика.	7	5	2
5.7.	Сурункали ларингит. Этиология, патогенез, таснифи, клиник шакллари (катарал, атрофик, гипертрофик, гипреплазия-рак олди), ташхислаш, даволаш, профилактика.	7	5	2
5.8.	Хиқилдоқ стенози, клиникаси, дифренциал ташхислаш, шошилич ёрдам, интенсив терапия, интубация.	7	5	2
5.9.	Трахеостомия ва унинг турлари. Трахеостомияга кўрсатмалар. Операция вақтида ва ундан кейинги асоратлар ва уларни олдини олиш.	7	5	2
5.10.	Хиқилдоқ иннервациясини бузилиши. Миопатик, нейропатик фалажлар, хиқилдоқ мушаклари тиришиши. Этиология, патогенез, клиникаси, ташхислаш, даволаш, профилактика.	16	10	6
Жаъми:		79	55	24
VI Тематик раздел Кекирдак ва бронхлар касалликлари				
6.1	Кекирдак ва бронхлар касалликлари. Кекирдак ва бронхлар ёт жисмлари. Этиология, патогенез, клиникаси, ташхислаш, даволаш, профилактика. Ўпка касалликларини ташхислаш ва даволашда бронхоскопия	16	10	6
Жаъми:		16	10	6
VII Тематик раздел Оторинларингологик асболар. Боғлов материаллари				
7.1.	Оторинларингологик асболар. Боғлов материаллари ва уларнинг ишлатилиши. ЛОР да дисмургия.	8	5	3
7.2.	Жароҳат ва жароҳат инфекцияси. ЛОР патологияли беморларда жароҳат жараёнининг кечиши хусусиятлари.	24	15	9
Жаъми:		32	20	12
Жаъми:		298	205	93
Жаъми:		476	330	146
II Ўқув йили				
VIII Тематик раздел. ЛОР аъзолари жароҳати ва қон кетиши. Шошилич ёрдам.				
8.1	Қулоқ жароҳати, турлари -механо-, аку-, вибро-баротравма (қулоқ супраси жароҳати, ташқи эшитув йўли, ноғора парда, ноғора бўшлиғи, сўргичсимон ўсик, сўргичсимон суяк пирамида қисмининг жароҳат турлари (узунасига, қўндаланг, қийшиқ).	16	12	4
8.2	Қулоқдан қон кетиши, этиопатогенези, клиникаси, шошилич ёрдам.	10	6	2
8.3	Бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари жароҳати (классификацияси, механизми, шошилич ёрдам ва даволаш.)	10	6	2
8.4	Бурундан қон кетиши, этиопатогенези, клиникаси, шошилич ёрдам.	10	6	2
8.5	Халқум жароҳати, шошилич ёрдам, даволаш, профилактика	10	6	2
8.6	Бурун халқумдана қон кетиши, оғизхалқумвахалқум хиқилдоқ, этиопатогенези, клиникаси, шошилич ёрдам.	10	6	2
8.7	Хиқилдоқ жароҳати, рентген диагностикаси, шифокор тактикаси, профилактикаси.	10	6	2
8.8	Хиқилдоқ ва трахеядан қон кетиши, этиопатогенези, клиникаси, шошилич ёрдам.	10	6	2

8.9	Қизилўнғачнинг бўйин қисмининг ташқи томонидан жарохати, қизилўнғачдан қон кетиши, этиопатогенези, клиникаси, шошилинч ёрдам.	10	6	2
8.10	Шок. Шок турлари (травматик, анафилактик, гемотрансфузион, токсик). Диагностика ва даволаш.	16	12	6
Жаъми:		98	72	26
IX. Тематик раздел. ЛОР аъзоларини қуйиши ва совук уриши. Шошилинч ердам				
9.1	Кулок супрасини совук уриши-3даражаси, қуйиш - 3 даражаси. Термик ва кимевий қуйишлар. Электротравма–клиник симптомлари, диагностикаси, даволаш.	10	6	2
9.2	Оғиз бушлиғи, халқумни кимевий қуйиши, сабаблари, пат.анатомияси, клиникаси, асоратлари, диф.диагностикаси (усмаси), шошилинч ердам кўрсатиш.	10	6	2
9.3	Халқум-ҳиқилдоқни кимевий қуйиши, сабаблари, пат.анатомияси, клиникаси, асоратлари, диф.диагностикаси (усмаси), шошилинч ердам курсатиш..	10	6	2
9.4	Қизилунғачни кимевий қуйиши, сабаблари, пат.анатомияси, клиникаси, асоратлари, шошилинч ердам кўрсатиш, қизилунғач стенозида даволаш тактикаси.	16	12	6
Жаъми:		42	30	12
X. Тематик раздел. ЛОР аъзолари инфекцион гранулемалари				
10.1.	Урта кулок инфекцион гранулемалари. Кулок захми. Иккиламчи ташқи кулок териси захми (розеола, папула). Ички кулокни зараланиши-туғма ва орттирилган шакллари. Туғма шаклидаги 10-20 ешгача триада белгилари (тишларни муҳим шакллари, паренхиматоз кератит, бош мия 8-жуфт нервини кохлеар неврити). Мусбат физгула симптоми. Диагностикаси, дифференциал диагностикаси. Серологик реакциялари, специфик даволаш.	16	12	4
10.2.	Ўрта кулоқ сили. Инфекция юқишининг гематоген йўли, иккиламчи жараен. Кулоқ силини ривожланишининг чиқувчи йули-ноғора бўшлигининг шиллик қавати. Морфологияси, клиникаси, диагностикаси. Дифференциал диагностикаси, даволаш, асоратлар, профилактикаси.	10	6	2
10.3.	Бурун ва бурун ёндош бушлиқлари инфекцион гранулемаси. Бурун захми, бирламчи ва иккиламчи кечиши. Гистология. Захм гранулемаси бурун тусиғида, ташқи бурун суяк деворида, бурун тубида жойлашиши ва қаттиқ танглайда тешик пайдо бўлиши. Клиник симптомлари. Диагностика, дифференциал диагностика, серологик текширув, специфик давоси.	10	6	2
10.4.	Бурун сили. Сил ва қизил юғирикнинг иккита шакли. Бурунни бирламчи, иккиламчи туберкулёзи. Сил тугунинг патоморфологияси, туберкулема, сил яраси. Силнинг бурун тусиғида, пастки бурун чиғаноғида жойлашиши. Клиник симптомлари, дифференциал диагностикаси, даволаш.	10	6	2
10.5.	Риносклерома. Эндемик кузгатувчиси (бацилла Волковича-Фриша). Патоморфологияси, клиникаси (бурун бўшлиғини асосий заралайдиган жойи), асорати, диагностика, даволаш.	10	6	2
10.6.	Халқум инфекцион гранулемаси. Халқум захми, захмнинг ривожланиш босқичлари: қаттиқ шанқирнинг эритематоз, эрозив ва ярали шакл кўринишлари. Лаблар қаватида, бўйин, тил, юмшоқ танглай, муртак безларида жойлашиши. Танглай равоқи, муртак безларини розеола ва папулёз иккиламчи зараланиши. Лимфа тугунлари полиаденити. Клиник симптомлари, диагностика, дифференциал диагностика ангина ва дифтерия билан. Туғма зарарланишининг хослиғи. Умумий, маҳаллий, специфик давоси.	10	6	2
10.7.	Халқум сили. Халқумнинг бирламчи, иккиламч сили. Клиникаси. Танглай равоғида, ҳиқилдоқ орқа шиллик қаватида, танглай муртағида, юмшоқ танглайда, тилда, жойлашиши. Иккиламчи инфекциянинг қўшилиши клиникаси ва ахамияти. Диагностика, дифференциал диагностика қизил юғирик, захм, ўсмабилан. Специфик реакция диагностикаси. Даволаш.	10	6	2

10.8	Вегенер лимфогранулематози. Клиник симптомлари, диагностика, дифференциал диагностика, даво.	10	6	2
10.9	Ҳикилдоқ инфекцион гранулемаси. Ҳикилдоқ захми. Захм иккиламчи, учламчи кечиши. Шакиллари - эритема, папула (иккинчи боскич), чегараланган гумма, диффуз гуммоз инфильтрат, хондроперихондрит (учинчи боскич). Клиника, диагностика, дифференциал диагностика, даволаш.	10	6	2
10.10	Ҳикилдоқ сили. Ҳикилдоқ бирламчи сили, купинча иккиламчи. Зарарланиш йўллари- контакт, лимфоген, гематоген. Патоморфологик шакллари - инфильтратив, ярали, перихондрит. Клиникаси, диагностикаси, дифференциал диагностикаси, даволаш, оқибати.	10	6	2
10.11	Ҳикилдоқ склеромаси. Бурун ва бурун - халқумда жарен бўлганда ҳикилдоқ зарарланиши. Касалликнинг 3 боскичи-тугунчали инфильтратив, диффуз инфильтратив, чандикли. Хар бир боскич патоморфологияси ва клиникаси. Диагностикаси, дифференциал диагностикаси, даволаш, оқибати.	16	12	6
Жаъми:		106	78	28
XI. Тематик раздел. Одам иммунитет танқислик вируси (ОИТВ) синдромини оториноларингологик симптоматикаси				
11.1	ВИЧ ташувчилари билан ишлаганда тиббиёт деонтологияси саволлари, клиник лаборатор диагностикаси, эпидемиология, хавф гуруҳлари.	16	12	4
11.2.	ОИТВ билан касалланганларда ЛОР аъзолари холати. Эпидемиологияси, этиопатогенези, ЛОР аъзоларида клиник намоён булиши, диагностикаси, дифференциал диагностикаси, даволаш, оқибати, профилактикаси, УзРССВнинг ОИТВ туғрисидаги қарори.	16	12	6
Жаъми:		34	24	10
XII. Тематик раздел. ЛОР аъзолари замбуруғли касалликлари				
12.1	Эпидемиологияси, этиопатогенези. Замбуруғлик касаллик турлари, методлари, уларни диагностикаси ва даволаши. Ототомикоз, этиопатогенези, клиникаси, диагностикаси, дифференциал диагностикаси, даволаш, оқибати, профилактикаси.	16	12	4
12.2	Фарингомикоз (лептотрихоз), клиникаси, диагностикаси, дифференциал диагностикаси, консерватив ва хирургик даволаш, оқибати.	10	6	2
12.3	Бурун ва бурун эндош бушлиқларининг замбуруғли зарарланиши. Клиникаси, диагностикаси, дифференциал диагностикаси, даволаш, профилактикаси, оқибати.	10	6	2
12.4	Ҳикилдоқни замбуруғли зарарланиши. ЛОР аъзолари замбуруғларини даволашда замонавий замбуруғга қарши дори воситалари.	16	12	6
Жаъми:		50	36	14
Жаъми:		330	240	90
XIII. Тематик раздел. ЛОР аъзолари ўсма касалликлари				
13.1.	Юқори нафас йўллари ва қулоқни ўсма касалликларининг эпидемиологияси ва классификацияси. Классификация, диагностикаси, даволаш, реабилитация методлари ва профилактикаси.	10	8	2
13.2	Қулоқни ўсмасимон касалликлари (атеромалар, дермоидлар, кистлар), клиникаси, диагностикаси, даволаш принциплари, профилактикаси.	6	4	2
13.3	Қулоқ хавфсиз ўсмалари (кохлео-вестибуляр нерв невриномаси), морфологияси, клиникаси (даражалари).	6	4	2
13.4.	VIII нерв ҳосилаларига гумон бўлганда беморларни текширув принциплари, диагностикаси ва даволаш методлари.	6	4	2
13.5	Қулоқ хавфсиз ўсмалари (папилломалар, фибромалар, хондромалар, остеомалар, кон-томир усмалари, гломус ўсмаси) морфологияси, клиникаси, диагностикаси, даволаш.	6	4	2

13.6	Кулоқни хавфли ўсмалари (ташқи кулоқ йўли карциномаси, саратони, меланомаси) даволаш, диагностикаси ва даволаш методлари.	6	4	2
13.7	Бурун ва бурун ендош бушлиқлари саратон олди касалликлари, классификацияси, клиникаси, эрта симптомлари, диагностикаси, даволаш принциплари, профилактикаси.	6	4	2
13.8	Бурун ва бурун ендош бушлиқлари хавфсиз ўсма касалликлари; (кисталар, папилломалар, ангиомалар, хондромалар, остеомалар) клиник ва рентгенологик диагностика принциплари, даволаш.	6	4	2
13.9	Бурун ва бурун ендош бушлиқларини хавфли ўсмалари; бурун ва бурун ендош бушлиқларини хавфли ўсмалари (саратони, саркомаси, эстеziобластомаси) клиник ва рентгенологик диагностика принциплари, даволаш.	6	4	2
13.10	Халқумни саратон олди касалликлари, классификацияси, клиник намоен бўлиши, эрта белгилари, диагностикаси, даволаш принциплари, профилактикаси.	6	4	2
13.11	Халқум хавфсиз ўсмалари (фиброма, папиллома, ангиома, лимфангиома, невринома) гистологик структураси ва жараен локализациясига кўра клиник намоен бўлиши, диагностикаси, даволаш.	6	4	2
13.12	Халқум хавфсиз ўсмалари (ўсмирлар бурун-халқум ангиофибромаси); гистологик структураси ва жараен локализациясига кўра клиник намоен бўлиши, диагностикаси, даволаш. Халқум орти усмалари.	6	4	2
13.13	Халқум хавфли усмалари (танглай муртаги саратони) гистологик структураси ва жараен локализациясига кўра клиник намоен бўлиши, диагностикаси, даволаш. Халқум орти ўсмалари.	6	4	2
13.14	Кизилунгач ўсма касалликлари. Хавфсиз ва хавфли усмалари. Клиник намоен бўлиши, эрта белгилари, диагностикаси, даволаш принциплари, профилактикаси.	6	4	2
13.15	Ҳиқилдоқни ўсмасимон зараланиши (Рейнке шиши, полиплар ва овоз бурмаларининг тугунчалари, киста, ларингоцеле, гранулема, тефлома, амилоидоз) Клиник намоен бўлиши, эрта белгилари, диагностикаси, даволаш принциплари, профилактикаси.	6	4	2
13.16	Ҳиқилдоқ хавфсиз ўсмалари (фиброма, папиллома, гемангиома, Абрикосов ўсмаси), морфологияси, симптомлари, диагностикаси, даволаш.	6	4	2
13.17	Ҳиқилдоқ хавфли ўсмалари, ҳиқилдоқ саратони; тарқалганлиги, морфологияси, гистологик кўриниши, патогенези, ҳиқилдоқ саратони касалланиш факторлари.	6	4	2
13.18	Трахея ва бронх ўсма касалликлари. Хавфли ва хавфсиз ўсмалари. Клиник намоен бўлиши, эрта белгилари, диагностикаси, даволаш принциплари, профилактикаси.	12	8	6
Жаъми:		120	80	40
XIV. Тематик раздел. ЛОР аъзоларни касбий патологияси. ЛОР патология ривожланишига таъсир қилувчи касбий омиллар				
14.1	Касб патологияси тиббий-ижтимоий фан сифатида. Касбий зарарлар хақида умумий қарашлар (токсик-кимевий, термик, биологик, барометриква б.).	10	8	2
14.2	Юқори нафас йўллари ва кулоқни турли моддалар таъсири натижасида холати, морфологик ва функционал тузилишидаги узғаришлари.	6	4	2
14.3	Эшитув аъзосининг касб касалликлари (патогенези, клиникси, диагностикаси, даволаш, профилактикаси).	6	4	2
14.4	Вестибуляр анализаторнинг касб касалликлари (патогенези, клиникаси, диагностикаси, даволаш, профилактикаси.)	6	4	2
14.5	Бурун ва бурун ендош бушлиқларининг касб касалликлари (патогенези, клиникаси, диагностикаси, даволаш, профилактикаси.)	6	4	2
14.6	Халқум касб касалликлари (патогенези, клиникаси, диагностикаси, даволаш, профилактикаси.)	6	4	2

14.7	Ҳикилдоқ касб касалликлари (патогенези, клиникаси, диагностикаси, даволаш, профилактикаси.)	6	4	2
14.8	Касб касаллиги билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифати.	12	8	6
Жаъми:		60	40	20
XV. Тематик раздел. Оториноларингология диспансеризацияси. Шифокор-мехнат экспертизаси. Харбий-шифокор экспертизаси. Суд-тиббиети экспертизаси				
15.1	Шифокор-мехнат экспертизаси. ЛОР аъзолари касб касалликларида шифокор мехнат экспертизаси.	12	8	4
15.2	Симуляция, аггравация, диссимуляция, кузатиш методлари. Суд-тиббиети экспертизаси. Харбий-шифокор экспертизаси.	6	4	2
15.3	Диспансер назоратида турувчи ЛОР беморлари гуруҳини таснифи, нозологик шакллари, диспансеризацияси, документацияси, диспансеризация этаплари, ҳар бир этапнинг эффективлигини баҳолаш ва оториноларингологияги умумий аҳоли диспансеризациясидаги роли.	6	4	2
15.4	Диспансер назоратида турувчи кулоқ касалликлари гуруҳидаги беморларни таснифлаш, нозологик шакллари, документацияси, диспансеризация этаплари, ҳар бир этапнинг эффективлигини баҳолаш.	6	4	2
15.5	Диспансер назоратида турувчи бурун ва бурун эндош бушликлари касалликлари гуруҳидаги беморларни таснифлаш, нозологик шакллари, документацияси, диспансеризация этаплари, ҳар бир этапнинг эффективлигини баҳолаш.	6	4	2
15.6	Диспансер назоратида турувчи халқум касалликлари гуруҳидаги беморларни таснифлаш, нозологик шакллари, документацияси, диспансеризация этаплари, ҳар бир этапнинг эффективлигини баҳолаш.	6	4	2
15.7	Диспансер назоратида турувчи ҳикилдоқ касалликлари гуруҳидаги беморларни таснифлаш, нозологик шакллари, документацияси, диспансеризация этаплари, ҳар бир этапнинг эффективлигини баҳолаш.	18	12	6
Жаъми:		60	40	20
Жаъми:		240	160	80
III Ўқув йили				
XVI. Тематик раздел. Оториноген асоратлар (мия ичи ва қуз ичи)				
16.1	Қалла ичи асоратларининг умумий масалалари. Анатомотопографик асослари, симптомлари, даволаш турлари.	6	4	2
16.2	Отоген мия ичи асоратлари. Отоген мия ичи асоратларини клиник формаси (менингитлар) симптомлари, ташхислаш, даволаш турлари, профилактика.	6	4	2
16.3	Отоген мия ичи асоратларини клиник формаси (абсцесслар), симптомлари, ташхислаш, даволаш турлари, профилактика.	6	4	2
16.4	Отоген мия ичи асоратларини клиник формаси (орқа мия чуқурчасини арахноидитлари, синус тромбоз)	12	8	4
16.5	Риноген қўз ичи асоратлари. Патогенез, патологик анатомияси, Симптомлари, ташхислаш, даволаш турлари, профилактика.	6	4	2
16.6	Риноген мия ичи асоратлари масалалари. Патогенез, патологик анатомияси	6	4	2
16.7	Риноген мия ичи асоратларини клиник формалари (менингит, арахноидит, мия абсцесси) сиптомлари, ташхислаш, даволаш турлари. профилактика.	6	4	2
16.8	Риноген мия ичи асоратларининг клиник шакллари (каверноз синус тромбози) ва унинг симптоматика, диагностика, даволаш принциплари, профилактикаси.	10	8	4
16.9	Оториноларингологияда септик асоратлар	12	8	6
Жаъми:		74	48	26
XVII. Тематик раздел. ЛОР аъзолари жаррохлик амалиёти				
17.1	Ташқи қулоқда жаррохлик амалиёти. Отопластика, туғма ва орттирилган деформацияларни тиклаш, операциядан кейинги даво, асоратлари ва реабилитация.	6	4	2

17.2	Ўткир йирингли кулоқ касалликларида жаррохлик амалиёти (мастоидотомия турлари). Операциядан кейинги даво,асоратлари ва реабилитация.	6	4	2
17.3	Кулоқнинг йирингли касалликларида жаррохлик амалиёти, (кулоқда санацияловчи жаррохлик амалиёти (РЖА)),	6	4	2
17.4	Кулоқнинг йирингсиз касалликларида жаррохлик амалиёти, асоратлари, жаррохлик амалиётидан кейинги даво ва реабилитация (мирингопластика, тимпанопластика ва эшитишни яхшиловчи жаррохлик амалиёти турлари), асоратлари, жаррохлик амалиётидан кейинги даво ва реабилитация.	6	4	2
17.5	Ички кулоқ касалликларида жаррохлик амалиёти, отосклероз, Меньер касаллигида жаррохлик амалиёти, асоратлари, жаррохлик амалиётидан кейинги даво ва реабилитация.	6	4	2
17.6	Ички кулоқ касалликларида жаррохлик амалиёти, (кохлеар имплантация), асоратлари, жаррохлик амалиётидан кейинги даво ва реабилитация.	6	4	2
17.7	Кулоқнинг хосилали касалликларида жаррохлик амалиёти. Асоратлари, жаррохлик амалиётидан кейинги даво ва реабилитация.	12	8	4
17.8	Бурундаги реконструктив операциялар, ринопластика, асоратлари, операциядан кейинги даво ва реабилитация	6	4	2
17.9	Бурун касалликларида жаррохлик амалиётлари (вазотомия, мукотомия, бурун тусиги резекцияси, пастки бурун чиғаноғининг УТДси), асоратлари, операциядан кейинги даво ва реабилитация	6	4	2
17.10	Бурун хосилаларида жаррохлик амалиётлари, асоратлари, операциядан кейинги даво ва реабилитация	6	4	2
17.11	Бурун, гаймор бушликлари касалликларида жаррохлик амалиётлари, асоратлари, операциядан кейинги даво ва реабилитация. FESS ва очик операциялар.	6	4	2
17.12	Буруннинг фронтал, этмоидал, сфеноидал бушликлари касалликларида жаррохлик амалиётлари, асоратлари, операциядан кейинги даво ва реабилитация. FESS ва очик операциялар.	6	4	2
17.13	Бурун ёндош бушликлари хосилаларида жаррохлик амалиётлари, асоратлари, операциядан кейинги даво ва реабилитация	12	8	4
17.14	Халқум касалликларида жаррохлик амалиётлари, асоратлари, операциядан кейинги даво ва реабилитация (аденотомия,тонзиллотомия, тонзилэктомия).	6	4	2
17.15	Халқум хосилалари ва асоратланган касалликларида жаррохлик амалиётлари, асоратлари, операциядан кейинги даво ва реабилитация.	12	8	4
17.16	Ҳикилдоқ касалликларида жаррохлик аралашувлари, асоратлари, операциядан кейинги даво ва реабилитация (трахеостомия, микротрахеостомия).	6	4	2
17.17	Ҳикилдоқнинг реконструктив-тикловчи хирургияси (жарохатлар, синишлар, шикастланишлар), асоратлари, операциядан кейинги даво ва реабилитация	6	4	2
17.18	Ҳикилдоқнинг реконструктив-тикловчи хирургияси, асоратлари, операциядан кейинги даво ва реабилитация	6	4	2
17.19	Ҳикилдоқ микрохирургияси. Ҳикилдоқдаги эндоскопик оператив аралашувлар	6	4	2
17.20	Ҳикилдоқнинг онкологик касалликларида жаррохлик аралашувлари, асоратлари, операциядан кейинги даво ва реабилитацияси	6	4	2
17.21	Ҳикилдоқнинг онкологик касалликларида жаррохлик аралашувлари, асоратлари, операциядан кейинги даво ва реабилитацияси (давоми)	6	4	2
17.22	Ҳикилдоқдаги оператив аралашувларидан кейин жарохатларнинг битиши. Ҳикилдоқ функциясининг реабилитация методлари.	6	4	2
17.23	Бошқа орган ва системалар касалликлари (геморрагик диатез, лейкоз, кандли диабет ва б.) касалликлари билан оғриган	16	12	4

	беморларда ЛОР органларидаги жаррохлик амалиётлари			
	Жаъми:	166	112	54
	Жаъми:	240	160	80
	Жаъми:	1270	880	390
	Мустақил иши VI семестр	-	-	42
	Хаммаси:	1312	880	432

3.2. Семинар машғулотларини ўтказиш тартиби

Семинар машғулотлари тасдиқланган режа асосида ўтказилади ва магистралар билимини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида баҳоланади.

Семинар машғулотларига тайёргарлик конспектлар ёзиш, схема, таблица, монографияларни, тезисларни кўриб чиқиш ва тематик беморни касаллик тарихи асосида муҳокама қилиш билан кўрилади.

Кўпроқ долзарб бўлган мавзулардан семинар машғулотларининг айрим саволлари бир ёки бир-неча резидент иштирокида кўргазмали материалларни қўллаш орқали тайёрланади.

4. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ РЕЖАСИ

Семинар №	Семинар машғулотининг мавзуси ва унинг қисқача мазмуни
I СЕМЕСТР Семинар 22/1	Қулоқ касалликлари (йирингли ва йирингсиз) патогенез, ташхислаш ва даволаш Қулоқни ривожланиш аномалиялари. Давомийлиги-11с Қулоқни ривожланиш аномалиялари, болалик патологиясида уларнинг аҳамияти. а) кулоқ дисплазияси б) туғма кулоқ фистуласи, в) кулоқ супраси деформацияси г) ташқи эшитув йўли атрезияси, д) Франческетти синдроми е) Нилсон синдроми
Семинар 23/2	Ташқи кулоқ яллиғланиш касалликлари. Давомийлиги-5с Ташқи кулоқ яллиғланиш касалликлари, этиологияси, клиникаси, даволаш ва профилактикаси. а) чипқон, б) сарамас в) перихондрит г) ташқи диффуз отит д) кулоқ қулуғи
Семинар 24/3	Ўрта кулоқ йирингли касалликлари. Давомийлиги-6с Ўрта кулоқ йирингли касалликлари, этиологияси, патогенези, патанатомияси, клиникаси (босқичлари), ташхислаш, даволаш, профилактика. а) тез ёрдам кўрсатиш б) парацентез ва тимпанопункцияга кўрсатма
Семинар 25/4	Ўткир йирингли ўрта отит асоратлари Давомийлиги-10с Ўткир йирингли ўрта отит асоратлари ва шошилич ёрдам кўрсатиш, дифференциал ташхис. а) ўткир мастоидитнинг турлари б) зигоматит в) бўйин чўкки мастоидити г) петрозит
Семинар 26/5	Турли инфекцион касалликларда ўткир ўрта отит. Давомийлиги-6с Турли инфекцион касалликларда ўткир ўрта отит а) қизамиқда, б) скарлатинада в) грипда г) дизентерияда
